

ЯНГИ ГОРМОНАЛ ПРЕПАРАТЛАР АМАЛИЁТДА

Ж.А.Бозоров – магистратура талабаси, Н.О.Фарманов – илмий раҳбар, доцент

Тирик организмдаги барча безлар иш фаолиятига кўра икки катта гуруҳга: энзокрин (ташки) ва эндокрин (ички) секреция безларига бўлинадилар.

Эзокрин безлар мустақил чиқарув йўлларига эга бўлиб, ўз суюқликларини организмнинг бошқа қисмларига чақиради.

Эндокрин безлар эса мустақил чиқарув йўлларига эга бўлмайди улар қон томирлари билан жуда зич таъминланган бўлиб ўзлари ишлаб чиқадиган суюқликларини шу қон томирларига ўтказди. Ана шу эндокрин яъни, ички секреция безларининг махсус хўжайралари томонидан оз миқдорда ишлаб чиқилиб қонга ўтадиган, у орқали турли хил орган ва тўқималарга тарқалиб, организмда кечадиган барча физиологик ва биокимёвий жараёнларга бошқарувчи таъсир кўрсатадиган моддаларга гормонлар деб аталади.

“Гормон” сўзи юнонча “кўзғатаман, уйғотаман” деган манони билдиради, 1905 йилда Бейлис ва Стерлинг каби олимлар томонидан фанга киритилган.

Эндокрин безлар ва гормонлар ҳақидаги биринчи маълумотлар 1855 йилда инглиз олими Аддисон буйрак усти беши пустлоқ қаватининг шикастланиши натижасида пайдо бўладиган терининг сарғайиши касаллигининг вужудга келишини ва Клод Бернар эса ўзининг ишлаб чиққан суюқликларини тўғридан тўғри қонга қуядиган органлар ва безлар бор эканлигини асослаб берганидан кейин пайдо бўла бошлаган. Ички секреция безлари тушунчаси ҳам Клод Бернар томонидан киритилган.

Ички секреция безларининг гормонлар ишлаб чиқариш жараёни доимо марказий нерв системаси томонидан идора қилиниб боради. Лекин айрим ҳолатларда гормонлар ҳам маълум даражада организм фаолиятига таъсир этиб туриши мумкин. Умуман бирор ички секреция беши иш фаолиятининг ўзгариши, яъни гормонни оз ишлаб чиқариши ёки кўп ишлаб чиқариши натижасида келиб чиқадиган касалликлар бошқа ички секреция безларининг иш фаолиятларига жуда салбий таъсир қилиши мумкинлигини аниқланган.

Шунинг учун ҳозирги пайтда деярли барча эндокрин безлари томонидан ишлаб чиқладиган фаол препаратлар етарли даражада ажратиб олиниб, синтезланиб тиббиёт ва ветеринария амалиётида қўлланиб келинмоқда. Бу билан организмда содир бўладиган, яъни шу безларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган турли хил касалликларни даволаш учун шароит яратилди.

Ҳозирги вақтда 100 дан ортиқ турли хил гормон ва гормонал хусусиятга эга бўлган моддалар аниқланган бўлиб, бу моддаларнинг тирик организмларга кўрсатадиган биологик таъсири жуда кичик концентрацияда ҳам амалга ошиши ва улар таъсири доимо марказий нерв системаси томонидан бошқарилиши ҳамда уларнинг специфик хусусиятли эканликлари аниқланиб берилган.

Ветеринария амалиётида жуда кўплаб гормон препаратлар қўлланилади. Улар 4 та гуруҳга бўлинади:

1. Экстракт препаратлар – ҳайвонлар эндокрин безларидан ажратиб олинadиган гормонал препаратлар (адреналин, инсулин, эстрон)

2. Синтетик препаратлар – химиявий йўл билан олинadиган гормонал препаратлар, таркиби бўйича табиий гормонларга мос келади.

3. Ўсимлик препаратлари – гормонал таъсирига эга бўлган ўсимликлардан олинadиган препаратлар.

4. Табиий гормонларга ўхшаш бўлган синтетик гормонал препаратлар.

Ҳозир ветеринария амалиётида янги гормонал препаратлар кўплаб синтез қилинапти ва амалиётга кириб келмоқда. Масалан, гонодестрин, эстрадиол бензоат, сурфагон, клопростен ва бошқалар. Мен магистрлик диссертациямни бажаришда янги гормонал препарат – клопростен фармакологик хусусиятларини ўрганишни мақсад қилиб олдим.

Клопростенол- ушбу препарат Самарқанд вилояти Чархин кўрғонида янги ташкил этилган МЧЖ “ Ўзбиокомбинат” Ўзбекистон Буюк Британия Россия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган.

Таркиби: 1 мл да Клопростенол 0,25 мг.

Фармакологик хусусиятлари: Клопростенол тухумдон сарик таначасига лютеолитик (таркатувчи) таъсир кўрсатади, прогестероннинг гипоталамус-гипофиз мажмуасига тормозловчи таъсирини йўқотади, бу эса тухумдонларда фолликуллар ўсиши, конда эстрогенлар даражасининг ортиши, кочириш даври намоён булиши, ва этилган фолликулларнинг кейинги овуляциясига олиб келади. Препаратни юборилгандан кочириш даврининг биринчи белгиларигача бўлган муддат 48-72 соатни ташкил этади. Препарат бачадоннинг қисқариш функциясини кучайтиради ва факат тухумдонларда фаол ишлайдиган сарик таначалар булганда биологик таъсир курсатади.

Қўллаш учун курсатма:

а) Сигир ва ёш сигирларда жинсий кочириш даврини мослаштириш.

Препарат 2 мл дан икки марта, 10 кун оралиги билан юборилади. Препаратнинг биринчи дозаси жинсий циклнинг исталган босқичида юборилади (сигирларда тугрукдан кейин 40-кундан 60-кунгача). биринчи доза 11-куни, иккинчи доза 14-куни (72-76 соат утганда) мускул орасига юборилади.

б) Тухумдонларнинг лютеинли кисталари бўлган сигирларни даволаш.

Даволаш унумдорлигини ошириш учун препарат клопростин бир марта 4 мл дозада мускул орасига ҳамда гонадотропин 2,5-3,0 минг Х.Б. дозасида тери остига бир вақтда юборилади.

в) Персистент сарик таначалари булган сигирларга.

Клопростин 2 мл дозада мускул орасига юборилади, агар хайвон қочмаса биринчи инъекциядан кейин 11-куни 2 мл препаратни такрорий юбориш, 72-76 соатдан кейин йул-йуриklarга мувофик ўруглантириш ўтказилади.

г) Тугрукдан кейинги эндометрит ва бачадон субинволюцияси даволаш Касалланган сигирларни даволаш учун клопростин икки марта, 10-11 кун оралиги билан 2 мл дозада мускул орасига юборилади ҳамда бир вақтнинг ўзида этиотроп, патогенетик ва симптоматик даволаш воситалари қўлланади.

д) Қўйларда бачадон бўйинчаси очилмаслигини профилактика килиш ва даволаш учун хомиладор қўйларга клопростин тахминий туғишидан 15-16 кун аввал 2 мл дозада мускул орасига юборилади. Туғишдан аввал 3-5 кун жинсий кини чиқиб кетганда препарат юқоридаги дозада 2 мл эстрадиол- дипропионатнинг 0,1 % мойли эритмаси билан бирга юборилади.

Ножўя таъсири. Препарат тавсия этилган дозаларда қўлланганда ножўя ҳолатлар кузатилмайди.

Қўллаш ман этилади. Клопростин хомиладор хайвонларга қўлланиши мумкин эмас, чунки у хомила тушишни келтириб чиқаради.

ЯНГИ ПОЛИВИТАМИНЛАР ВЕТЕРИНАРИЯ АМАЛИЁТИДА

Ғ.Жабборов – магистратура талабаси, А.А.Холиқов - илмий раҳбар, доцент

Маълумки, витаминлар (**vita**- ҳаёт ва **aminum** - аминлар) ҳар хил кимёвий табиатли органик бирикмалар бўлиб, улар одам ва хайвон организмнинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган жараёнларда катта рол ўйнайди. Улар асосан ўсимликлар ва микроорганизмларнинг хужайраларида синтезланади.

Хайвон организми кўпчилик витаминларни тайёр ҳолатда озиқавий маҳсулотлар билан қабул қилади, чунки улар хайвон организмда деярли синтезланмайди. Шунинг учун ҳам хайвон озиқаси тўла қийматли бўлиб, организмни ҳар томонлама, яъни организм учун керакли бўлган моддалар (оксиллар, ёғлар, карбонсувлар, минерал тузлар ва сув каби) билан